



Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга эдим. У зот бир қавмнинг аҳлатхонасига тўхтаб, тик туриб бавл қилдилар

Ҳузайфа разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга эдим. У зот бир қавмнинг аҳлатхонасига тўхтаб, тик туриб бавл қилдилар. Мен узоқлашган эдим, У зот: «Яқинроқ кел», дедилар. Келиб, У зотнинг орқа тарафларига (туриб, У зотни паналаб) турдим. У зот таҳорат қилиб, маҳсиларига масҳ тортдилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Ҳузайфа ибн Ямон разияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга сафарда бўлганлари ҳақида хабар бермоқдалар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бавл қилишни хоҳлаб бир қавмнинг аҳлат ва ёмон тупроқларни ташлайдиган аҳлатхонасига кирдилар ва туриб бавл қилдилар. Лекин У зот кўпинча ўтириб бавл қилар эдилар. Шунда Ҳузайфа разияллоҳу анҳу У зотдан узоқлашдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Яқинроқ кел!» дедилар. Шунда Ҳузайфа разияллоҳу анҳу яқинлашиб, одамлар кўрмаслиги учун орқаларидан уларни паналаб турдилар. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат олдилар. Оёқ ювиш пайтига келганда маҳсиларини ечиш ўрнига масҳ тортиш билан чекландилар (маҳси – икки ошиқни ёпиб турувчи юпқа теридан таёрланган оёқ кийим).

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3075>

